O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
3105093

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 16 май, № 99 (4762) Шанба

# МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

***Ўғил-қизлар қалбида эзгуликка интилиш ҳиссининг камол топишида мусиқанинг, умуман, санъатнинг ўрни беқиёс. Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори юртимизда ёш авлоднинг мусиқий истеъдодини юксалтириш ва санъатга бўлган қизиқишини ошириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодасидир.***

Мазкур ҳужжат, мазмун-моҳиятига кўра, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқалари ҳамда тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан takомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш, уларнинг замонавий моддий-техник базасини мустаҳкамлаш вазифасини илгари суради.

**Таълим**

Қувонарлиси, бугун ушбу хайрли тадбирлар ўз самарасини бераяпти. Хусусан, В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида таҳсил олаётган кўплаб истеъдодли ўғил-қизлар нуфузли халқаро танловларда ғолиб ва совриндор бўлишмоқда.

— Кейинги йилларда лицейимизнинг юздан зиёд ўқувчиси халқаро кўрик-танловларда шоҳсупага кўтарилди, — дейди лицей директори Дилдора Жамолова. — Бу истиқлол йилларида ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор, фарзандларимизнинг замонавий асосда билим олиши учун яратилган юксак шароитлар самарасидир.

(Давоми 3-бетда).

***Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муҳофазаси ҳуқуқий асосларининг ўзига хос жиҳатлари" мавзуида конференция бўлиб ўтди.***

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ВАЗИФА

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ўтказилган анжуман давлатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асаридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида давлатимиз томонидан аҳолини, айниқса, бутун жамият манфаатлари йўлида хизмат қилаётган қишлоқ аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, Юртбошимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари, "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори каби ҳуқуқий ҳужжатлар қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш борасида муҳим аҳамиятга эгадир.

Бироқ, анжуманда айтиб ўтилганидек, жойларда ушбу имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётир. Чунончи, аҳолида ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонликнинг етарли даражада эмаслиги мазкур муаммонинг илдиз отишига туртки бермоқда. Шу боис тадбирда уларнинг ҳуқуқий билимини янада ошириш, бу ишда мутасадди бўлган маҳаллий ижроия ҳокимияти ҳамда бошқа ташкилот ва идоралар раҳбарларининг масъулиятини янада кучайтириш зарурати алоҳида таъкидланди.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди.

## ИЖРО ИЗЧИЛЛИГИ НАЗОРАТДА

***Шу куни парламент қуйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур қўмитанинг "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси тизимидаги корхоналарда "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги 2008 йил 13 июндаги қарорининг бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилди.***

Айтиш жоизки, ушбу қарорда қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси томонидан муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ҳамда тизимдаги барча корхоналарга етказилган. Бажарилган ишлар натижасида уюшма тизимидаги қатор корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятида ижобий натижаларга эришилган. Жумладан, 2008 йил якунига кўра, соҳада рафинацияланган ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш кўрсаткичи 102,4 фоизга бажарилиб, бу 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 126,5 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари, йиғилишда Президентимизнинг "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан жойлардаги ижро органлари томонидан 2009 йил ҳосили учун мойли экинларни жойлаштириш ҳамда маҳаллий бюджетлар даромад манбаларини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ёғ-мой корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва аҳолининг сифатли ёғ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида 71 минг гектар майдонга кунгабоқар ва махсар каби мойли экинларни экиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинганлиги қайд этилди.

Шунингдек, тадбирда уюшма ва унинг тизимидаги корхоналарда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, рафинацияланган ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш истиқбол кўрсаткичлари тизимнинг баъзи корхоналарида бажарилмаганлиги ҳамда ҳисоб-китоб ишлари талаб даражасида эмаслиги ва бу корхоналарда дебиторлик-кредиторлик қарзларнинг мавжудлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

***Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг кўплаб давлатларига жиддий таъсир кўрсатаётган бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари қайд этилаяпти. Шубҳасиз, бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар, айниқса, иқтисодиёт реал секторига киритилаётган инвестициялар ҳажмининг оширилгани, йирик ишлаб чиқариш корхоналарига молиявий имтиёзлар берилгани натижасидир.***

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА – МОЛИЯВИЙ ИМТИЁЗЛАР

Дарҳақиқат, Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилганидек, тижорат банклари томонидан экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш лойиҳалари фаол молиялаштирилмоқда. Шу мақсадда, йирик компанияларга қарийб 55 миллиард сўм, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига эса, салкам 45 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани сўзимиз исботидир.

**Анжуман**

Шу билан бирга, жаҳон бозорида айрим маҳсулотларга бўлган талабнинг пасайиши ҳисобига вақтинчалик қийинчиликларни бошдан кечираётган корхоналар молиявий имтиёздан баҳраманд бўлаётгани айни муддаодир. Гап шундаки, 20 та ана шундай корхонанинг қарздорлик муддати қайта кўриб чиқилиб, банк кредитлари ва фоизларини қайтариш 12 ойга узайтирилди. Бундан ташқари, банкрот деб эълон қилинган корхоналар аукцион савдолари орқали тижорат банкларига мулк сифатида сотилмоқдаки, бу ишлаб чиқаришни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бунга бугунга қадар тижорат банклари тасарруфига ўтказилган 70 та корхона фаолияти яққол мисол бўла олади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда "Асака" банк ҳамкорлигида «Банклар томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш» мавзуидаги анжуманда атрофлича сўз юритилди.

Таъкидландики, мамлакатимиз банклари ривожланиш стратегиясини айнан реал сектордаги ўсиш билан чамбарчас боғламоқдалар. Шу боис ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унга янги технологияларни татбиқ этиш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш кредитлашнинг устувор йўналишлари сифатида қаралмоқда. Масалан, 2009 йилнинг 1 апрелига қадар иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган 7 трлн. 89 млрд. сўм миқдоридаги кредитларнинг асосий қисми худди шу мақсадларга йўналтирилди. Уларнинг аксарияти ўрта ва узоқ муддатга мўлжаллангани қувонарлидир.

Сир эмас, кичик бизнес ўзининг ихчам ва ҳаракатчанлиги, энг муҳими, мураккаб шароит ва ўзгаришларга тез мослаша олиши билан ажралиб туради. Шунинг учун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Шу йилнинг биринчи чорагида ҳам 356,1 млрд. сўм маблағ шу мақсадларга йўналтирилди. Эътиборлиси, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 148,8 млрд. сўм кўпдир.

Натижада ўтган даврда кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Энг асосийси, замонавий технологиялар ёрдамида импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Буларнинг бари мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига, аҳоли турмуши фаровонлигига хизмат қилмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

***Пойтахтимизда "Ўзбекистон аёли тараққиёт билан ҳамнафас" мавзуида семинар-кўргазма бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ва БМТнинг Ривожланиш дастури ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари С. Холбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Ш. Умарова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси С. Одилхўжаева, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг мавқеини тобора юксалтириш, оила, оналик ва болаликни муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, маърифий соҳалардаги салоҳиятини тўлақонли намоён этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда уларга зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

**Фармон ва ижро**

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилаётир. Тиббиёт масканлари — она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш, шифо масканлари, поликлиникаларнинг фойдаланишга топширилиши, уларнинг замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Фармонга асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса, ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Хотин-қизларни, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аёлларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида бундай эзгу ва хайрли юмушлар кўлами янада кенгайди.

Семинарда «Жамият ривожида аёлларнинг роли: ютуқлар, вазифалар ва истиқболдаги режалар», «Ўзбекистон хотин-қизларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки», «Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган қонуний ва ҳуқуқий ҳужжатлар», «Қишлоқ аёлларининг маданий ҳаётини юксалтиришда раҳбар аёлларнинг тутган ўрни» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Юртимизда аёлларнинг давлат ва жамият ривожида тутган ўрни тасвирий санъат асарларида акс эттирилган бадиий кўргазма ҳам ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Луи Фашон:*

## «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ КЕЛАЖАКДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ИНТИЛИШИ МЕНИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ»

***Глобал сув муаммолари масалалари билан шуғулланувчи нуфузли халқаро ташкилотлардан бири — Жаҳон Сув кенгашидир. Мазкур муассаса 1996 йил 14 июнда Франциянинг Марсель шаҳрида сув муаммолари бўйича таниқли мутахассислар гуруҳи ва бир қатор халқаро ташкилотлар ташаббуси билан жаҳон ҳамжамиятининг глобал сув муаммолари борасида ўсиб бораётган хавотирларига жавобан ташкил топди.***

***Яқинда Ўзбекистонда Жаҳон Сув кенгашининг Президенти жаноб Луи Фашон меҳмон бўлди. Мамлакатимизга ташрифи чоғида «Жаҳон» АА мухбири у билан суҳбатда бўлди. Қуйида ушбу суҳбат эътиборингизга ҳавола этилмоқда.***

**— Жаноб Фашон, Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган бешинчи Жаҳон сув форумида БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти президенти Жак Диоф сув танқислиги таҳдиди ва инсоннинг сувга бўлган ҳуқуқи тўғрисида сўзлаб ўтди. Одамларнинг сувга бўлган ҳуқуқи борасида фикрингиз қандай?**

— Аввало, мен жаҳон сув танқислиги билан боғлиқ вазият тўғрисида бир неча сўз айтмоқчиман. Маълумки, ер юзи аҳолиси ҳар 10 йилда тахминан 1 миллиардга кўпаймоқда. Шу билан бирга, таъкидламоқчиман, дунё аҳолисининг асосий қисми йирик мегаполис шаҳарларда ҳамда океан соҳилларига туташ ҳудудларда тўпланиб, истиқомат қилмоқда. Бу жойларда саноат ва аҳолининг доимий ўсиши тобора экологик, жумладан, сув истеъмоли билан боғлиқ муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Жаҳоннинг айрим мамлакатларида аҳолини етарли миқдорда сув билан таъминлашга оид талай муаммоларга дуч келмоқдамиз. Бу ҳол тўпланиб қолган масалаларга зудлик билан ечим топишни талаб этади.

**Биз ва жаҳон**

Айни пайтда, менинг назаримда, биринчи навбатда, мавжуд бўлган икки муаммога эътибор қаратиш лозим. Бу, бир томондан, ер юзида аҳолининг кўпайиши ва бунинг оқибатида сув истеъмолининг ўз-ўзидан ортишига олиб келишидир, иккинчи томондан эса, биз, ўз навбатида, фарзандларимиз ва келажак авлод учун сувни асраб қолишни ўйлашимиз лозим. Зеро, бу улар олдидаги бурчимиздир. Шу йўсинда, биз бир вақтда гўёки бир-бирига зид икки масалага ечим топишимиз даркор. Бир томондан, сув таъминотини ошириш, иккинчи томондан эса, келажак авлод учун уни асраб қолиш.

Ҳозир жаҳонда шундай вазият юзага келганки, бунда сув ресурсларига эга айрим давлат раҳбарлари ўзларининг уларга эгалик қилиш ҳуқуқини тобора мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга, биз сувни тежаш муаммосини тубдан ҳал этиш ва шу йўл билан унинг танқислигини олдини олиш ҳамда ушбу неъматни келажак авлод учун асрашга интилишни унутмаслигимиз лозим.

Шу муносабат билан яқинда бўлиб ўтган Жаҳон сув форуми очилиши маросимида мен "Сув сероблиги даври тугади", деб таъкидладим. Шу нуқтаи назардан, мен ҳамкасбим Жак Диофнинг "Сув истеъмоли ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини қатъий тартибга солишни мустаҳкамлашимиз даркор", деган фикрига қўшиламан.

Бугун сайёрамизда сув муаммоси билан боғлиқ ягона ёндашув йўқ. Бироқ аминманки, давлат раҳбарлари сувдан оқилона фойдаланиш борасида ягона тўхтамга келганда, ўзаро муросага келиши ва тўғри бир қарорни қабул қилиши мумкин бўлади. Бинобарин, бугунги кунда дунёда сувдан фойдаланиш масаласида юзага келган вазият шундай йўл тутишни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда).

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Уйга урилган самолёт

***Гватемалада унчалик катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради.***



Бу ҳақда "Франс пресс" ахборот агентлиги мамлакат Фуқаро авиацияси бошқармаси маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Бахтсиз ҳодисага ноқулай об-ҳаво шароити сабаб бўлгани айтилмоқда. Ўша вақтда ёққан кучли ёмғир экипаж аъзоларининг кўришини қийинлаштирган ва самолёт шу яқин атрофдаги хонадонлардан бирига келиб урилган. Тасодиф туфайли уйда ҳеч ким бўлмаган. Бироқ самолёт бортидаги олти киши ҳаётдан кўз юмган.

Воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

### Савдо кўнгилдагидек эмас

***Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг апрель ойи якунларига бағишланган ҳисоботида келтириб ўтилганидек, мана, ўн икки ойдирки, минтақада автомобиль савдоси ижобий томонга ўзгармаяпти.***



Жумладан, биргина ўтган ойда қитъада 1,252 миллион дона янги автоулов сотилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,3 фоизга камдир.

Айтиш жоиз, Ғарбий Европа мамлакатлари орасида фақат Австрия ва Германиядагина бу борада яхши натижаларга эришилмоқда. Бунинг асосий сабаби, ушбу мамлакатларда автомобиль саноати ҳукуматнинг махсус дастури билан қўллаб-қувватланмоқда. Франция, Италия, Буюк Британия, Испания каби давлатлардаги вазият эса кўнгилдагидек эмас.

### Маблағ ажратишга қарор қилди

***АҚШ Конгресси давлат дастурлари доирасида молиялаштириладиган қатор лойиҳалар учун 96,7 миллиард доллар ажратишга қарор қилди.***



"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, ушбу маблағнинг 70 миллиард доллардан зиёдроғи Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Шунингдек, Афғонистон иқтисодиётини яхшилаш, мамлакатда демократик ислоҳотларни амалга ошириш учун 980 миллион доллар сарфланиши кўзда тутилган. Яна бир миллиард доллар Покистонга ажратилиб, унинг 400 миллиони толибларга қарши ҳарбий ҳаракатларга, 600 миллиони эса иқтисодиётни барқарорлаштириш ва мамлакатни демократлаштиришга ишлатилади.

Ушбу молиявий лойиҳани 368 нафар конгрессмен қўллаб-қувватлаган бўлса, 60 нафари қарши овоз берган.

### Заводда ёнғин

***Арманистон пойтахти Ереванδаги кимёвий заводлардан бирида ёнғин рўй берди, дейилади "РИА "Новости" ахборотида.***



"Тилсиз ёв" уч кишини ҳаётдан олиб кетган. Йигирмадан зиёд киши куйиш ва заҳарланиш асоратлари билан шифокорларга мурожаат қилган.

Мазкур завод каучук ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, бахтсиз ҳодисанинг юзага келишига нима сабаб бўлгани номаълумлигича қолмоқда. Мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари воқеа юзасидан жиноий иш очган.

### Яна икки кишида вирус

***Кубада AH1N1 вируси билан яна икки фуқаро касаллангани маълум қилинди.***

Улар Мексикада таҳсил олиб, таътилни ўз юртида ўтказаётган талабалардир. Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур хасталикка чалинганлар сони шу билан уч кишига етганини маълум қилди.

Куба ҳукумати аэропорт ва денгиз терминалларида назоратни янада кучайтириш юзасидан махсус топшириқ берган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***"Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани, айниқса, эътиборлидир".***

# МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМДИР ОЛАМ

**В**азирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Президентимиз томонидан юқоридаги рақамлар тилга олиниб, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес мамлакатимиз халқ хўжалигида етакчи кучга айланиб бораётгани таъкидланган эди. Дарҳақиқат, иқтисодиётимиздаги ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўз ўрни бор. Жойларда ҳам ушбу соҳа йилдан-йилга ривожланиб бораётир.

— Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан 996 та субъект палата аъзолигига қабул қилинган, — дейди бошқарма бошлиғи Х. Қайипназаров. — Улар, асосан, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, алоқа, транспорт, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йилда жойларда 60 га яқин ўқув курслари, семинар-тренинг, бизнес-форумлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда 1000 га яқин тадбиркор билимларини мустаҳкамлади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки билан биргаликда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкининг ёрдами" мавзуида семинар ўтказилганди. Унда иштирок этган 300 дан зиёд тадбиркор, фермерлар ўзлари учун керакли маълумотларга эга бўлишди.

Шу йил январь ойида Кегайли ва Чимбой туманларида ташкил этилган "Ўз ишингни бошла" семинар-тренинги кўплаб ишсиз фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятларини бошлашига туртки бўлди, десак адашмаймиз.

Тадбиркорлар учун қулайлик яратиш мақсадида шаҳар ва туманларда мазкур бошқарма томонидан Ах-

**Ислоҳот**

борот-маслаҳат марказлари ташкил этилган бўлиб, ҳужжатлар тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоботи, бизнес-режа тузиш, юридик, консультатив хизматлар кўрсатиш борасида ўтган йили 3156 та, жами 43479,9 сўмлик иш бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди ва Фуқаролик судига 153 та даъво аризаси киритилиб, шунинг 150 таси тадбиркорлар фойдасига ҳал этилди. БМТнинг Ривожланиш Дастури, Германиянинг DED ва GTZ ҳамда Японияниг JICA халқаро ташкилоти вакиллари иштирокида ўтказилаётган семинар-тренинг ва бизнес-форумлар янада қизиқарли ва мазмунли ўтмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Қимматбаҳо қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда Нукусда "Товар-хом ашё биржаларида амалга ошириладиган савдо-сотиқ ишлари" ўқув курси ташкил этилиб, унда қорақалпоғистонлик 35 та тадбиркор билимларини оширди ва махсус сертификатга эга бўлди. Бошқарма қошида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси гранти асосида "Замонавий Бизнес таълим маркази" иш бошлаган эди. Ўтган йилнинг ўзида марказ томонидан 325 киши "Компьютер билимлари", " JC бухгалтерия" йўналишлари ва инглиз тили бўйича ўқитилди. "Ташаббус — 2008" танловининг мамлакатимиз миқёсидаги босқичида нукуслик тадбиркор Норгул Нағметова "Энг яхши тадбиркор аёл", "Микрокредитбанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими "Энг яхши молия муассасаси" номинациялари бўйича ғолиб бўлдилар. Улар компьютер ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Бошқарманинг экспортга кўмаклашиш, кўргазма ва ярмаркалар ташкил этиш, замонавий кичик технологиялар ва чет эл инвестицияларини жорий этиш бўлими мудири Р. Зарексев "Ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш Германия ва Ўзбекистон дастури" бўйича Германияда тажриба алмашиб қайтди. Шунингдек, бошқарманинг тадбиркорларга юридик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўлими мудири А. Сейтахов JICA халқаро ташкилотининг "Кичик ва ўрта бизнесни иқтисодий томондан ривожлантириш" дастури бўйича тажриба алмашиш учун Японияга борадиган бўлди.

**Ў**збекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида энг олис овулларда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича аниқ мақсад ҳамда режа асосида иш олиб бормоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган AH1N1 вируси ўнлаб мамлакатларга тарқалиб, кўплаб инсонлар ўлимига сабаб бўлаётгани ташвишли ҳолдир.***

## НАЗОРАТ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Ушбу хавфли касалликнинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Самарқанд вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилаётир.

— Самарқанд аэропорти ва Жартепа божхона масканидаги санитария-назорат пунктлари фаолияти кучайтирилиб, малакали мутахассислар ва қўшимча тиббий воситалар билан таъминланди, — дейди вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим бошлиғи Зойир Мўминов. — Четдан келаётган ҳар бир фуқаро, техника воситалари кўрикдан ўтказилиб, сўнгра юртимизга киритилмоқда. Тиббиёт ходимлари ва бошқа мутасадди идоралар вакилларидан иборат гуруҳлар эса аҳоли ўртасида мазкур хасталикнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, касаллик белгилари ҳамда унинг тарқалиши ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бормоқда. Айниқса, вилоятимизнинг чегара ҳудудларида бу борадаги профилактика ва назорат ишлари кучайтирилди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «СИЗГА ЎХШАГИМИЗ КЕЛАДИ...»

"Нуроний" жамғармаси Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан вилоятдаги таниқли кишилар иштирокида "Сизга ўхшагимиз келади..." мавзуида учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда бўлиб ўтган учрашувда Фарғона туманидаги мактаб ва коллеж ўқувчилари Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов суҳбатидан баҳраманд бўлишди.

Тадбир чоғида шоир ижодий фаолияти ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг унинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ**

**АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**2009 йил 16 июнь куни соат 11.00 да Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Жамбул кўчаси, 10-уйда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги бинолар қўйилади:**

Хоразм вилояти хўжалик суди ижрочилар бўлимининг 2008 йил 25 ноябрдаги 9903-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Урганч шаҳри, И. Дўсов кўчаси, 114-уйда жойлашган «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли қуйидаги бино-иншоотлар:

- Икки қаватли маъмурий бино. ***Бошланғич баҳоси — 106 193 048 сўм.***
- Соғломлаштириш биноси. ***Бошланғич баҳоси — 60 246 688 сўм.***
- Дурадгорлик устахонаси ва комплектация биноси. ***Бошланғич баҳоси — 121 237 530 сўм.***
- Вулканизация биноси. ***Бошланғич баҳоси — 5 896 855 сўм.***

Юқоридаги бинолар билан бевосита жойига чиқиб, суд ижрочилари иштирокида танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир объект учун алоҳида тартибда Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Хоразм филиали (савдо ташкилотчиси)нинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104633287002, АТИБ «Ипотекабанк»и Хоразм вилояти филиали, МФО: 00579, СТИР: 206881350.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси номига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:**

- *савдода иштирок этиш учун ариза;*
- *жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси;*
- *юридик шахслар учун юридик мақомини белгиловчи ҳужжатлар нусхаси;*
- *ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома (вакиллар учун).*

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан танишиш истагидаги талабгорлар Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Хоразм филиалига эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳафтанинг иш кунлари соат 16.00 га қадар мурожаат этишлари мумкин.

**Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Жамбул кўчаси, 10-уй, Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Хоразм филиали.**

**Телефон: (8-362) 224-22-38. Лицензия: DB № 000003.**

487Н/689

**Ҳурматли академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари!**

**Азиз битирувчилар, уларнинг ота-оналари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар, шунингдек, барча олий маълумотли бўлишни истаганлар!**

**2009 йил 29 май соат 10.00 дан 13.00 гача**

**Тошкент давлат техника университетида**

**«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»**



**Тадбирда Тошкент давлат техника университети факультетлари ва мутахассис тайёрлайдиган кафедралар билан танишиб,**

**абитуриентларга тегишли барча маълумотларни олишингиз мумкин.**

**«Очиқ эшиклар куни»га марҳамат!**

4458/697

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўқув масканимиз ўн икки йиллик узлуксиз таълимга асосланган. Бу ерда фортепьяно, торли асбоблар, дамли ва зарбли чолғулар, хор дирижёрлиги каби йўналишлар бўйича 623 нафардан зиёд ўқувчи билим олмоқда. Жорий йилда

## МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Францияда бўлиб ўтган А. Скрябин номидаги 9-Халқаро пианиночилар танловида истеъдодли ўқувчиларимиздан бири Андрей Бреславец 1-ўринга муносиб деб топилди. Германиянинг Веймар шаҳрида ўтказилган Ф. Лист номидаги 2-Халқаро ёш пианиночилар танловида эса Артём Пакнинг ижроси юқори баҳоланди. Асқар Салимжонов ва Эдуард Рутка Киев шаҳрида бўлиб ўтган "XXI аср санъати" торли чолғулар бўйича ёш ижрочилар халқаро танловида ғолибликни қўлга киритишди.



Бу ютуқлар бежиз эмас. Сабаби, лицейда малакали педагоглар жамоаси ёшларнинг маънавий дунёқараши, маданий савияси ҳамда мусиқий истеъдодини юксалтириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада, айниқса, лицей миқёсида ўтказиладиган турли концерт дастурлари, танловлар ва бошқа маданий тадбирлар муҳим аҳамият касб этаётир. Масалан, бу йил лицей ўқитувчилари ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган катта концерт дастурини ўтказиш режалаштирилган. Қарангки, яқин кунларда ўқув масканининг истеъдодли ёшлари мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари бўйлаб ижодий сафарга отланишар экан. Бундан мақсад, олис қишлоқ ёшларининг санъатга қизиқишини оширишдир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЭЛ РИЗҚИНИ ЭЪЗОЗЛАНГ

***Бозорларимиз тўкинлиги деҳқонларимиз етиштираётган ноз-неъмат, уларга яратилаётган шароит, тўкинлик манбаи ҳисобланган томорқа туфайлидир.***

**Назорат**

Шукрки, бозорларимиз обод, йил — ўн икки ой сархил мевалар савдо пештахталарини яшнатиб туради. Нарх-наво ҳам ҳаммабоп. Деҳқон рўзғоридан ошгани бозорга, ҳатто, хориж бозорларига олиб чиқилаётгани ҳам бор гап. Бироқ ҳамма нарсанинг қонуний бўлгани яхшида. Қонуний иш юритганларнинг пичоғи мой устида, ноқонуний иш кўрганлар эса...

Яқинда Сирдарё вилояти божхоначилари тегишли ҳужжатлари бўлмаган йирик миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг юртимиз сарҳадларидан олиб чиқиб кетилишини олдини олдилар.

Ховос тумани ҳудудидаги айланма йўлларда ҳаракатланаётган "Зил" автомашинаси божхона назоратидан ўтказилганда, унда фуқаро Ж. Норқўзиевга тегишли 4 тонна сабзи қўшни мамлакатга олиб кетилаётганлиги аниқланган бўлса, фуқаро З. Жўраев бошқарувидаги "КамАЗ"да 13 тоннадан зиёд пиёз юклангани маълум бўлди. Қиймати 11 миллион сўмлик ва ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган пиёзнинг эгаси фуқаро Н. Исмоилов экан.

Шунингдек, Оқолтин тумани ҳудудида божхоначилар ҳар бирига салкам 15 тоннадан пиёз ортган иккита "КамАЗ"ни тўхтатдилар. Мўмай пул илинжида салкам 24 миллион сўмлик пиёзни қўшни давлатда пулламоқчи бўлганлар юртимиз фуқаролари У. Шоймардонов ва З. Тоҳиров бўлиб чиқди.

Тан олиш керак, сўнгги пайтларда бозорларда деҳқонлар келтирган маҳсулотларни арзон-гаров сотиб олиб, ноқонуний йўллар орқали четга чиқариш ва бунинг эвазига мўмайгина даромад ишлаш ниятида юрган сохта "тадбиркорлар" кўплаб топилмоқда. Уларнинг бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлари бозорларимизда нарх-навонинг сунъий тарзда ўсишига, тақчилликни келтириб чиқаришга хизмат қилади.

Айни пайтда юқоридаги масалалар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**А. АБДУРАҲМОНОВ,**
**Давлат Божхона қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.**

**Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!**

**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛИ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I РКМБ марказий идорасида 2009 йил 18 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран «Yangiy'ol don mahsulotlari» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 12 декабрдаги 11-0622/11463-сонли қарорига асосан, банкрот деб эътироф этилган ҳамда кредиторлар қўмитасининг 2009 йил 11 майдаги қарорига асосан, жамиятнинг Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Чарикова кўчаси, 18-уйда жойлашган қуйидаги мол-мулклари қўйилмоқда:

1. Мол-мулклар мажмуаси. ***Бошланғич баҳоси — 1 546 000 000 сўм.***
2. Бир қаватли тиббий кўрик биноси. ***Бошланғич баҳоси — 23 000 000 сўм.***

Ушбу мол-мулклар 18 июнь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йил 22 ва 25 июнь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.**

II РКМБ Хоразм вилояти филиалида 2009 йил 16 июнь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Янгиариқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 16 июндаги 878-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Остона Пахтакор» ф/х қарашли, Янгиариқ тумани, Охунбобоев қишлоғида сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-46 ХЗ бўлган техник соз «CLASS DOMINATOR 68S» русумли трактор-комбайн қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 93 200 000 сўм.***

Ушбу техника воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк»и «Тинчлик» филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, МФО: 00580, ИНН: 200933850.

**Манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй.**
**Телефонлар: (8-362) 226-43-64, 263-32-63.**

www.rkmb.uz *Лицензия: DB 001 № 000004.*

**РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!**

**Юртимиздаги кўҳна арку саройлар, маҳобатли обидаю мақбаралар, осмонўпар миноралар қадим тарихимиздан гувоҳлик берувчи маданий ёдгорликлар сифатида эътибору эъзозда. Бугун дунёнинг турли ҳудудларидан Ўзбекистон сари ошиқаётган сайёҳларнинг ушбу иншоотлар қаршисида ҳайратда қолаётгани бежиз эмас. Чунки қадимий Хива шаҳри ёдгорликлари, хусусан, "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонаси ҳам заминимизнинг 2500 йилликдан зиёд тарихини ўзида мужассам этган.**

# ҚАДИМ ТАРИХИМИЗ ТИЛСИМИ

"Эртаклар шаҳри", "Очиқ осмон остидаги музей" деган таърифлар билан юритиладиган қадимий Хива экспонатлари қалъа девори билан ўралган тўрт дарвозали шаҳар, хонлар саройлари, масжид, мадраса, минора, мақбара ва шу каби қадимий иморатлардан иборат. Улар орасида Хоразм маданиятининг минг йиллик тарихидан гувоҳлик берувчи музейлар мавжуд. Ҳозирги кунга қадар шаҳарда 140 дан ортиқ археологик ёдгорлик ва меъморий обида сақланиб қолган.

Хоразмлик олимларнинг асарлари ва кўпгина бадиий ҳунармандлик намуналари ушбу шаҳардан дунёнинг турли мамлакатларига олиб кетилгани тарихдан маълум. Жумладан, бундай осориатиқалар ҳанузгача Рим, Париж, Лондон, Копенгаген, Берлин, Истамбул, Қоҳира, Санкт-Петербург, Москва ва бошқа шаҳарлардаги йирик музейларнинг энг нодир экспонатлари саналади.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Хивада осориатиқаларни жамлаб, музей ташкил қилишга XIX аср охирида киришилган. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд эди. Хусусан, ўша даврларда Хивада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик ва ҳунармандлик маҳсулотлари, осориатиқалар ҳамда меъморий ёдгорликларнинг фотосуратлари жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, юксак баҳога муносиб топилганди. Масалан, 1890 йилда Тошкентда, 1895 йилда Нижний Новгородда, 1900 йилда Парижда, 1904 йилда Американинг Миссури штати Олои шаҳрида бўлиб ўтган бутунжаҳон кўргазмалари ва халқаро ярмаркаларга Хивадан 16 соҳа бўйича учтадан ҳунармандлик ишлари намуналари юборилган. Бинобарин, Париждаги кўргазмада Хоразм обидаларидан 143 тасининг фотосуратлари ҳам намойиш қилинган. Табиийки, маданий меросимиз ва маҳаллий ҳунармандлар томонидан яратилган амалий санъат намуналари бутун дунёда шуҳрат қозонаётгани ҳамда қадимшунос, санъатшунос олимлар, оддий томошабинларнинг катта қизиқишларига сабаб бўлаётгани юртимизда уларни асраб-авайлашни тақозо этарди.

18 май — Халқаро музейлар куни



Бундай саъй-ҳаракат ва ташаббуслар самараси 1920 йилга келиб яққол намоён бўлди. Яъни ўша йили Хивада музей ташкил этилди.

1967 йилнинг 30 ноябрида Хива "Тарихий-меъморий музей шаҳар" деб эълон қилинди. 1969 йилнинг 29 июлида эса "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонаси ташкил этилди. 1990 йилга келиб ЮНЕСКО қарори асосида "Ичан қалъа" жаҳон маданий мерослар рўйхатига киритилди.

Истиқлол йилларида юртимиздаги кўплаб тарихий иншоотлар, маданий ёдгорликлар қатори, Хива шаҳридаги тарихий обидаларни қайта таъмирлаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳардаги тарихий ёдгорликларнинг салмоқли қисми қайта таъмирланди.

Шуни фахр билан таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида буюк боболаримизнинг шаъну шавкатини, муборак номларини қайта тиклаш, уларнинг бой ва ноёб меросини ўрганиш, табаррук қадамжоларни обод қилиш бўйича кўп эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

"Ичан қалъа" ҳудудида жаҳон маданиятига молик 54 та тарихий-меъморий обида, 351 та шахсий хонадон мавжуд бўлиб, 2500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Умумий майдони 26 гектардан иборат музей-қўриқхона таркибидаги 15 та доимий экспозицияларда Хоразм тарихининг ниҳоятда қадимийлиги далилий ашёлар орқали ўз исботини топган. Музей фондида жамланган 50316 та экспонат халқимиз тарихини тарғиб қилишда муҳим ўрин тутади. Музей-қўриқхонада жами 165 нафар, шу жумладан, 45 нафар илмий ходим, фан докторлари ва фан номзодлари меҳнат қилади.

Ҳозирда "Ичан қалъа" музей-қўриқхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тарихий обидаларни таъмирлаш, янги музейлар ташкил этиш ва улар фаолиятини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Айни кунда бу ерда 19 та бўлим фаолияти йўлга қўйилган. Уларда 5784 тадан ортиқ қадимий экспонат намойиш этилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, кейинги йилларда бу ерга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар сони ортиб бораяпти. Масалан, музей-қўриқхонага 2007 йилда 571481 нафар киши ташриф буюрган. Уларнинг 35342 нафари 68 мамлакатдан ташриф буюрган сайёҳлардир. 2008 йилда эса "Ичан қалъа"ни 722293 та сайёҳ зиёрат қилди. Хорижлик сайёҳлар сони қарийб 50 минг нафарга етди. Жорий йилда бу борадаги кўрсаткич янада юқори бўлиши кўзда тутилган. Йил бошидан буён ўтган 4 ой давомида музей-қўриқхонани 161433 киши томоша қилгани фикримиз тасдиғидир.

Дарҳақиқат, музейлар юртимиз ўтмиши, аждодларимиз қолдирган бой тарихий мерос ва миллий қадриятларимизни ўрганиш ҳамда тарғиб этиш учун асос бўлмоқда. Қолаверса, бундай масканларнинг инсонлар, айниқса, ёш авлод қалбида энг яхши фазилатларни камол топтириш, уларни Ватанга, халқимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Бу борада "Ичан қалъа" тарихий-меъморий давлат музей-қўриқхонасини ҳам ҳақли равишда ўзбек халқи маданияти ютуқларини ўзида мужассамлаштирган ноёб шаҳар, ёдгорлик ва айни вақтда, бетакрор хазина деб эътироф эта оламиз.

**Ботир ДАВЛЕТОВ,**
**«Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси директори.**

# МУҚАДДАС ЗАМИН МЕҲРИ

***Она меҳрини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Зеро, унинг меҳру муҳаббати Ватан тафтидек муқаддасдир. Шунинг учун ҳам она-Ватан деймиз. Ватаннинг ҳар бир қарич ери, муқаддас тупроғи, меҳр-оқибатли одамлари кўнглимизга яқин.***

Туйғу

Гап шундаки, ўз юрти бағрида осойишта турмуши, ширингина оиласи бўла туриб, Ватан қадрига етмайдиганларнинг борлиги кишини ўйга толдиради. Мўмай даромадни деб туғилиб-ўсган маконини ташлаб, олисларга кетишни афзал билган одамнинг, минг уринмасин, бегона юртларда қадр топмоғи мушкул.

Бу ҳақиқатни англаган инсон Ватан қадрига етади, она-тупроғини ардоқлайди. Кўп юртларни кездим, лекин Ўзбекистондек жаннатмонанд заминни, элимиздек саховатпеша, самимий бир халқни кўрмадим. Шунда билдимки, Мирзо Бобур бежизга ўзга юртда шоҳ бўлгандан кўра, ўз юртингда фақирона ҳаёт кечирмоқ бахт, демаган экан.

Бугун юртимизда буюк келажак қуриш йўлида улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир соҳада улкан ислоҳотлар олиб борилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, юртимиз жаҳон узра ўзига хос йўлдан бораётган давлат сифатида ном қозонмоқда. Фарзандларимиз спорт, санъат, ишлаб чиқариш каби жабҳаларда ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлашмоқда. Буларнинг барчаси келажаги буюк давлатимизнинг пойдевори мустаҳкам бўлиши учун хизмат қилаётир.

Тўғри, бу йўлда ўзига яраша машаққатлар, ошиб ўтилиши керак бўлган довонлар учрамоғи тайин. Зеро, роҳат машаққатсиз бўлмайди. Буни тарих ҳам неча бор исботлаган. Бу юрт тараққиётга ўз-ўзидан эришмаган.

Мамлакатимизда истиқлолга эришилган дастлабки кунлардан бошлаб, улуғ мақсад сари дадил одимлар ташланмоқда. Бу — буюк келажак қуриш, мамлакат ободлиги, фарзандларимиз бахти ва камоли йўлида бор куч-ғайратимизни сарфлашдек эзгу ният билан ҳамоҳанг. Ёш авлод тарбияси, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатларимиз ижобий натижа бермоқда. Энг муҳими, кўнглимизда миллий ғурур ҳисси шаклланди, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Шу боис она-юртга муҳаббатимиз бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат, эл-юртнинг манфаатини кўзлаб олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар билан уйғунлашишида ҳикмат бор. Бу ришта мамлакат тараққиётига, юрт фаровонлигига, ёруғ келажагимизга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Абдуғани СУЛАЙМОНОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

***Жорий йилнинг 6 июнь куни футбол бўйича 2010 йил Жанубий Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи тўртинчи саралаш босқичининг саккизинчи тур учрашувлари бошланади.***

## Муҳим беллашув олдидан синов

Шу куни Тошкентда Ўзбекистон — Япония терма жамоалари майдонга тушадилар. ЎФФ матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, муҳим ўйин олдидан Ўзбекистон миллий терма жамоаси 1 июнь куни Европа қитъаси вакили — Босния ва Герцеговина терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказади.

Спарринг-рақиб ҳақида тўхталадиган бўлсак, айни пайтда Босния ва Герцеговина терма жамоаси 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичининг 5-гуруҳида Испаниядан кейин иккинчи ўринни банд этиб турибди. Боснияликлар олти учрашув натижасига кўра, 12 очко жамғаришган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон — Босния ва Герцеговина терма жамоалари ўртасидаги ўйин 1 июнь куни "Пахтакор" марказий стадионида соат 19:05 да бошланади.

## Мундиал тўплари намойиш қилинди



***Халқаро футбол федерацияси — ФИФА шу йилнинг куз ойида Мисрда ўтказиладиган ёшлар (U-20) ўртасидаги жаҳон чемпионатида ўйналадиган тўпларни намойиш қилди.***

Ушбу тўплар "Adidas" фирмаси томонидан мундиал учун махсус ишлаб чиқарилди.

Маълумки, Аҳмад Убайдуллаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "D" гуруҳида Гана, Уругвай ва Англия мамлакатлари футболчилари билан ўзаро куч синашадилар.

ФИФА мутасаддилари ҳар бир иштирокчи давлат вакилларига "Adidas" тўпларини юборишди. Зеро, жаҳон чемпионатига қадар футболчилар уларда машғулот ўтказиб, кўникиб олишлари керак. Шу мақсадда, Ўзбекистон футбол федерациясига ҳам 20 та тўп жўнатилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионати жорий йилнинг 24 сентябрь — 16 октябрь кунлари Мисрнинг 4 та шаҳрида ўтказилади.

## Осиё чемпионатидаги муваффақият

Қозоғистоннинг Талдиқўрғон шаҳрида оғир атлетика бўйича навбатдаги Осиё чемпионати давом этмоқда.

Нуфузли мусобақада қитъанинг 30 га яқин мамлакатидан номдор спортчилар қатнашмоқда. Муҳими, беллашувда ўзбекистонлик оғир атлетика спорти усталари ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда намойиш этмоқдалар.

Чемпионатнинг биринчи куни ҳамюртимиз Баҳром Мендибоев (69 кг.) силтаб кўтаришда 141 килограмм натижага эришиб, бронза медалини қўлга киритган эди. Кейинги баҳсда Пекин Олимпиадаси иштирокчиси Мансур Чашимов (85 кг.) силтаб кўтаришда 164 килограмм, даст кўтаришда 198 килограмм, умумий ҳисобда 362 килограмм натижа кўрсатиб, учта кумуш медаль билан тақдирланди.

Кеча яна бир вакилимиз Иван Ефремов (105 кг.) силтаб кўтаришда 172 килограмм кўрсаткич билан бронза, даст кўтаришда 213 килограмм билан олтин, умумий ҳисобда эса 385 килограмм натижа билан бронза медалига сазовор бўлди.

Спорт ● Sport

# ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР ЯҚИН

***Гулистон аҳли ҳаяжонли кунлар арафасида турибди. Бу ерда мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг мамлакат миқёсидаги ўйинлари ўтказилади.***

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, ёшларни узлуксиз спортга жалб этишнинг уч босқичли тизими яхши самаралар бермоқда. Булар — умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида уюштириладиган "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" мусобақаларидир.

Айни пайтда Мирзачўл бағрида жойлашган Гулистон шаҳрида катта спорт байрами шукуҳи тобора яққол намоён бўлмоқда. Шаҳар кўчалари "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинлари рамзлари акс этган паннолар билан безатилган. Вилоятда каттаю кичик қўлни-қўлга бериб, ушбу спорт айёмига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Гулистон янада кўркамлашиб, жозиба касб этмоқда.

Янги қурилаётган иншоотларнинг барчасида таъмирлаш ишлари поёнига етказилиб, ободонлаштириш юмушлари амалга оширилаяпти. Шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган, I ТИП лойиҳаси асосида бунёд этилган спорт мажмуаси эндиликда болажонларнинг севимли масканига айланиб қолди. Унинг қурилишига Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 500 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Ҳозир бу ерда болалар ва ўсмирлар футбол мактаби фаолият бошлади. Айни пайтда 6 нафар мураббий 200 нафардан зиёд ёшларга футбол сирларини ўргатмоқда.



— Сирдарёликлар ҳам миллионлар ўйини — футболни яхши кўришади, — дейди болалар ва ўсмирлар мактаби директори Шерзод Бектемиров. — Мазкур мажмуа, асосан, футбол машғулотларини ўтказишга ихтисослашган. У бир кунда саксон нафар болани қабул қилиш имкониятига эга.

«Умид ниҳоллари — 2009» мусобақасининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтадиган, 20 минг томошабинга мўлжалланган Марказий стадион ҳам шаҳар, вилоят аҳлига катта совға бўлди. Стадион ичида анжуманлар зали, спортчилар, мураббийлар ва ҳакамлар хоналари мавжуд. Бундан ташқари, IV ТИП лойиҳаси асосида бунёд этилган болалар спорт мажмуаси, Гулистон давлат университетидаги талабалар тураржойи, ошхона, спорт зали, Гулистон 1 ва 2-педагогика коллежи, компьютер ва ахборот технологиялари ҳамда тиббиёт коллежи, Гулистон 1-академик лицейи, "Динамо" спорт зали, "Алпомиш" спорт мажмуа(теннис корти)лари ҳам шаҳарнинг обод ва фусункор гўшаларига айланган.

Уч босқичли узлуксиз спорт ўйинлари мамлакатимиз терма жамоаси учун иқтидорли ёшларни тарбиялаб беришда катта маҳорат мактаби вазифасини ўтаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар орасидан юртимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар етишиб чиқмоқда. Дзюдо бўйича Пекин Олимпиадаси бронза медали совриндори, бухоролик Ришод Собиров шундай ёшлардан биридир.

— Мен "Универсиада" спорт ўйинларида кураш бўйича ғолиб чиққандим. Ана шу тажриба Олимпиада ўйинларида қўл келди. Ўйлайманки, ушбу уч босқичли узлуксиз спорт ўйинлари Ватанимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарадиган яна кўплаб юлдузларнинг кашф этилишига хизмат қилади, — дейди Ришод Собиров.

"Умид ниҳоллари — 2009" мусобақасининг вилоят босқичларида 457 минг 632 нафар ўқувчи ўзаро беллашди. Улар орасидан саралаб олинган 1792 нафар ўқувчи финал босқичида бадиий гимнастика, қўл тўпи, сузиш, футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, стол тенниси, теннис, баскетбол, кураш ва белбоғли кураш каби 12 та спорт тури бўйича медаллар учун мардона ва ҳалол кураш майдонига чиқади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФАН ВА ТЕХНИКА хабарлари

## Сувни чучуклаштирувчи қурилма

***ЎзФАнинг "Физика-Қуёш" ИИЧБ Физика-техника институтида қуёш нури ёрдамида сувни чучуклаштириш қурилмасининг синовлари ўтказилди.***

Кўп босқичли ушбу қурилма марказлашган электр энергияси ва сув таъминоти тизимлари мавжуд бўлмаган ҳудудлар аҳолисини тоза ичимлиқ суви билан таъминлаш имконини беради.

Қурилма кичик қувватли мустақил ичимлик сув таъминоти тизими сифатида қўлланилиб, конденсация иссиқлигидан қайта фойдаланиш орқали унинг иш унумини икки баробар ошириш мумкин.

## Тупроқ тоза бўлсин, десангиз...

***Ўзбекистон Миллий университети олимлари нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқни биологик тозалашнинг янги усулини ишлаб чиқдилар.***

Нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқ ва унинг биологик дунёси, агрокимёвий, физик, кимёвий хоссаларини комплекс ўрганган ҳолда, уч босқичли биологик тозалаш усулига асосланган рекультивация тадбирлари ўтказилади.

Бунда нефть парчалаш хусусиятига эга беда, кунжут экинлари қўлланилади. Бу усул ва технология республикада илк бор ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ўзига хос томонларидан бири, республиканинг турли суғориладиган ва шўрланган тупроқларида ҳам юқори самара беради.

Бу технологияни қишлоқ хўжалиги, нефть-газ биотехнологияси, микробиология соҳаларида ҳам қўллаш мумкин.

**О. ПАРПИЕВ.**



## ОБ-ҲАВО

(16 май)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 12-17, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

***Кийикўт мамлакатимизнинг шимоли-жанубий, жануби-ғарбий тоғ ёнбағирларида, денгиз сатҳидан 2400 метргача баланд бўлган шағалли, қўнғир тупроқли ерларда ўсади.***

# Кийикўт

Табиат неъматлари

Унинг ер устки қисми зиравор ва доривор хом ашё сифатида ишлатилади, халқ табобатида кенг қўлланилади. Гиппократ ва Абу Али ибн Сино бу гиёҳдан жароҳатларни даволашда фойдаланган, томоқ оғриғи, меъда фаолиятининг бузилиши, кўнгил айниши, юрак санчиғи ва беҳаловатлигига таскин берувчи восита сифатида тавсия этган.

Кийикўт барглари асосида тайёрланадиган қайнатма болаларнинг томоқ, меъда-ичак оғриқларида, таносил касалликларида қўлланилса, яхши самара беради. Айниқса, унинг гул ва барглари асосида тайёрланадиган дамлама иштаҳа очади, пешоб ҳайдайди, юрак фаолиятини яхшилайди, хафақондан фориғ қилади, асаб толиқишини бартараф этади. Шунингдек, болаларда учрайдиган ич кетиши ва қулунж хасталикларида табиий малҳам тариқасида ишлатилади. Агар ўсимликнинг гул ва баргларидан мол ёғи асосида малҳам тайёрланса, у жароҳат ва шишлардан тезда фориғ қилади.

Илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатаяптики, кийикўт препаратлари қон босимини туширади, юрак соҳасида оғриқларнинг йўқолишига, уйқунинг мароқли бўлишига хизмат қилади. Фармакологик изланишлар натижасида кийикўт препаратлари хавфли хасталик бўлмиш юрак инфаркти ҳамда бошқа юрак-қон-томир хасталикларини бошдан кечирган беморларга ҳам тавсия этилмоқда.

Кийикўтдан тоғли аҳоли ошкўк сифатида сабзавотларни консервалашда, бўза тайёрлашда кенг фойдаланади.

Ўсимликнинг ер устки қисмида 0,2-1 фоиз атрофида эфир мойи мавжуд бўлиб, ундан совун ва косметика маҳсулотлари, шунингдек, эфир мойидан тиббиётда жуда қадрланадиган ментол олишда ишлатилади.

Кийикўт асосида ишлаб чиқарилган ичимликлар чанқовбосди бўлибгина қолмай, киши соғлиғини мустаҳкамлаш хусусиятига ҳам эгалиги олимлар томонидан исботланган.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос олим.**

"Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси жамоаси "93-Махсус трест" ОАЖ бош директори ўринбосари Миролим Жалиловга отаси, меҳнат фахрийси ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

**Исом ЖАЛИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.55 7